БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Fil.72.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ҚУРБОНОВА НОДИРА РОЗИҚОВНА

НОРЕАЛ ҲАЁТ ТАСВИРИДА ОБРАЗ ВА ХРОНОТОП (ДАНТЕ АЛИГЬЕРИ ВА АБДУЛЛА ОРИПОВ ИЖОДИ МИСОЛИДА)

10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштирма тилшунослик ва таржимашунослик

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси АВТОРЕФЕРАТИ

Бухоро – 2020

УДК: 82-313.3:82.09

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по филологическим наукам

The contents of the dissertation abstract for a Doctor of Philosophy (PhD) degree in Philology

Қурбонова Нодира Розиқовна
Нореал ҳаёт тасвирида образ ва хронотоп (Данте Алигьери ва Абдулла Орипов ижоди мисолида) 3

Курбонова Нодира Розиковна
Образ и хронотоп в описании нереальной жизни (на примере творчества Данте Алигьери и Абдуллы Арипова) 23

Kurbonova Nodira Rozikovna
Image and Chronotope in the Description of Afterlife (on the works by Dante Alighieri and Abdulla Oripov) 41

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of publications 43

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Fil.72.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ҚУРБОНОВА НОДИРА РОЗИҚОВНА

НОРЕАЛ ҲАЁТ ТАСВИРИДА ОБРАЗ ВА ХРОНОТОП (ДАНТЕ АЛИГЬЕРИ ВА АБДУЛЛА ОРИПОВ ИЖОДИ МИСОЛИДА)

10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштирма тилшунослик ва таржимашунослик

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси АВТОРЕФЕРАТИ

Бухоро – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № B2018.3.PhD/Fil571 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Бухоро давлат университети веб саҳифасида (www.buxdu.uz) ҳамда «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Афоқова Нодира Махмудовна** филология фанлари доктори
Расмий оппонентлар:	**Файзуллаев Отабек Мухаммадович** филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
	Қуронов Дилмурод Ҳайдаралиевич филология фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	**Самарқанд давлат университети**

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/03.2019.Fil.72.03 рақамли илмий кенгашнинг 2020 йил «14» декабрь соат 9⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (0 365) 221-29-14; факс: (0 365) 221-57-27; e-mail: buxdu_rektor@buxdu.uz)

Диссертация билан Бухоро давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (18 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (0 365) 221-25-87).

Диссертация автореферати 2020 йил «30» ноябрь куни тарқатилди.
(2020 йил «30» ноябрь даги 984 - рақамли реестр баённомаси.)

Д.С.Ўраева
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, филол. ф. д., профессор

З.И.Расулов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, филол. ф. н., доцент

М.М.Жўраева
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф. д., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон адабий-фалсафий концепциясида замон ва макон воқелигининг ажралмас иштирокчиси – инсоннинг ўзи яшаб турган олам ва бошқа ўлчамли оламлар ҳақидаги тасаввурлари, эътиқодий қарашлари, дунёни субъектив кашф этиши, руҳий кечинмалари акс этган оғзаки ва ёзма адабиёт намуналарининг генезиси, тараққиёт босқичлари ва поэтик хусусиятлари, бадиий тафаккур тадрижи масалаларининг назарий талқинига катта эътибор қаратилмоқда. Европада Уйғониш даври маданияти, тарихий-схоластик жанр асосчиси Данте ижодида образ/хронотоп қолипининг услубий яхлитлиги, унинг ўзга давр ва диний тасаввур доирасида воқеланишининг мазмуний-концептуал таҳлили замонавий адабий-бадиий танқидчилик ва қиёсий адабиётшуносликда мифопоэтик ғояларнинг фалсафий моҳиятини асослашада долзарблик касб этади; воқеликни бадиий акс эттириш жараёнида шакл ва мазмун дихотомияси қонуниятларини идрок этиш, фалсафий адабиётшуносликда поэзис концептини илмий баҳолаш имконини беради.

Дунё адабиётшунослиги дантология доирасида дунё ва охират кўриншлари акс этган асарларда образ ва хронотоп моделининг композицион, лингвопоэтик хусусиятлари, маънавий-ахлоқий, эстетик вазифалари, дунё яралишининг адолатли қолипи, яхшилик ва ёмонлик воқеаларининг мифологик аспектда эпик талқинига доир илмий тадқиқотлар олиб борилган. Мазкур изланишларда кенг кўламдаги диний-эътиқодий, маданий, ижтимоий, сиёсий реалиялар қўлланишида муаллифнинг бадиий-услубий новаторлик маҳорати, асарнинг мантиқий боғлиқлиги масалалари ўз ечимини топган. Шарқ ва Ғарбда нореал ҳаёт ҳақидаги тасаввурлар, турли халқларнинг диний қарашлари, миллий менталитети ва психологияси, ижтимоий-иқтисодий турмуш тарзи, тафаккури ва мифологик тадаббурининг ўзига хос тадрижини илмий қиёслаш нафақат адабиётшунослик, балки фалсафа, мантиқ, когнитология соҳаларини хронотоп қолиплаш, бадиий психологизм, шакл ва мазмун яхлитлигига доир фундаментал назариялар билан бойитишга хизмат қилади.

Мамлакатимизнинг бугунги кундаги жадал ривожланиш босқичи – “...халқимизнинг улуғвор қудрати жўш урган ҳозирги замонда Ўзбекистонда янги бир уйғониш – учинчи Ренессанс даврига пойдевор яратилиши”[1] янги босқичида миллий адабиётшунослигимизда фалсафий-фундаментал асарларни, улардаги образлар ва хронотопни жаҳон Ренессанси даври ижод намуналари, энциклопедик характерга эга бўлган шоҳасарлар билан қиёсий-типологик тадқиқ этиш устувор вазифалар қаторига киради. Ҳолбуки, «адабиёт ва санъатга, маданиятга эътибор – бу аввало, халқимизга эътибор, келажагимизга эътибор эканини, буюк шоиримиз Чўлпон айтганидек,

[1]Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўқитувчилар ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи. 2020 йил, 30 сентбярь. //http://uza.uz/posts/3452

адабиёт, маданият яшаса, миллат яшаши мумкинлигини унутишга бизнинг асло ҳаққимиз йўқ»[2]лиги адабиётшуносликнинг барча соҳаларида замонавий талаблар даражасидаги тадқиқотлар олиб боришни талаб қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича "Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги ПФ-4947-сонли, 2019 йил 8 октябрдаги "Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги ПФ-5847-сонли Фармонлари, 2012 йил 10 декабрдаги «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1875-сонли, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 18 майдаги «Жаҳон адабиётининг энг сара намуналарини ўзбек тилига ҳамда ўзбек адабиёти дурдоналарини чет тилларига таржима қилиш ва нашр этиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 376-сонли Қарорлари ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг: I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Диссертация иши учун объект сифатида танланган ўзбек адиби Абдулла Орипов ижоди адабиётшунослигимизда анча ўрганилган. Абдулла Орипов асарлари тадқиқи борасида М.Қўшжонов, О.Шарафиддинов, С.Мелиев, Н.Афоқова, Д.Бегимқулов, Г.Ашурова, И.Жабборов[3] каби олим ва тадқиқотчилар муайян илмий тадқиқотларни амалга оширганлар. Данте Алигьери ижоди эса нафақат жаҳон адабиётшунослари, балки физика, астрономия, диншуослик,

---

[2]Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг "Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир" мавзусида Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги маърузаси // Халқ сўзи. 2017 йил, 4 август.

[3] Қўшжонов М. Онажоним шеърият. – Т.: Ўқитувчи, 1994; Шарафиддинов О. Талант – халқ мулки. – Т.: Ёш гвардия, 1979; Қўшжонов М., Мелиев С. Абдулла Орипов. – Т.: Маънавият, 2001; Тўлаков И. Ҳозирги ўзбек лирикасида давр ва қаҳрамон талқини: Филол. фанл. номз... дисс. автореф. – Т., 1994. – 46 б.; Қосимов Я. Ўзбек шеъриятида поэтик фикрнинг янгиланиш жараёни: Филол. фанл. докт... дисс. автореф. – Т., 1991. – 22 б.; Алиев Б. Ҳозирги ўзбек шеъриятида психологизм муаммоси: Филол. фанл. номз... дисс. автореф. – Т., 1994. – 22 б.; Афоқова Н. Абдулла Орипов лирикасида бадиий санъатлар: Филол. фанл. номз... дисс. – Т., 1998; Эрназарова Г.Ҳ. ХХ аср ўзбек поэзиясида миллий тафаккур ва унинг бадиий талқини (Чўлпон, Ғ.Ғулом, А.Орипов шеърияти мисолида): Филол. фанл. номз... дисс. автореф. – Т., 2001. – 30 б.; Ғаниев И., Афоқова Н. Озод руҳ фалсафаси. – Т.: Фан, 2007; Ашурова Г. Абдулла Орипов шеъриятида анъана ва бадиий маҳорат (образ, ғоя ва тасвир): Филол. фанл. номз. ... дисс. автореф. – Т, 2008; Ашурова Г. Тимсол – сўз ва маъно асоси. – Т.: Янги аср авлоди, 2006; Жабборов И. Абдулла Орипов шеъриятида тарихий шахс концепцияси ва лирик қаҳрамон масаласи: Филол. фанл. номз... дисс. – Т., 2008 ва ҳ.к.

астрология, психология сингари кўплаб соҳа олимлари диққатини ўзига қаратиб келади. Қиёсий адабиётшунослик асосчиларидан бири, бир неча йил Италияда яшаб Данте ижодини ўрганган олим Н.Веселовский таъбири билан айтганда «ўрта асрлар дунёқарашининг бадиий энциклопедияси»[4] бўлмиш Данте Алигьери ижоди жаҳон адабиётшунослиги миқёсида кенг ўрганилган[5]. Бинобарин, жаҳон эстетикасида В.Жирмунский, Н.Конрад, А.Потебня, А.Дима, Д.Дюришин, И.Неупакоева[6] томонидан қиёсий адабиётшунослик соҳасида яратилган йирик тадқиқотлар, шунингдек, А.Веселовский, И.Голенищев-Кутузов, М.Андреев, А.Асоян, Л.Баткин, Н.Стороженко, А.Дживелегов, Б.Нарди, А.Рейдет каби жаҳон ва Ф.Сулаймонова, Н.Комилов каби ўзбек олимлари; О.Мандельштам, Д.Мережковский, Хорхе Луис Борхес каби ижодкорларнинг турли йўналиш ва даражадаги тадқиқотларида буюк итальян шоири ҳаёти ва ижоди, шунингдек, қиёсий адабиётшуносликнинг фундаментал масалалари хусусида сўз борадики, мазкур диссертацион ишда ўша тадқиқотлардан назарий-методолик асос ўлароқ фойдаланилди[7].

---

[4]ВеселовскийА.Н.Данте//Данте:proetcontra:ЛичностьинаследиеДантевоценкерусскихмыслителей,писателей,исследователей:Антология.СПб.:изд-воРХГА,издательство “Пальмира”,2017. – С.691.

[5]Веселовский А.Н. Взгляд на эпоху Возрождения в Италии //http://dugward.ru/library/veselovskiy_alexandr; Веселовский А.Н. Данте //http://az.lib.ru/w/weselowskij_a_n/text_1893; Жирмунский В. Средневековые литературы как предмет сравнительного литературоведения // Известия АН СССР. Отделение литературы и языка. - Т. XXX. Вып. 3. - М., 1971. - С. 185-197; Баткин Л.М. Данте и его время. Поэт и политика. – М., 1965; Голенищев-Кутузов И.Н. Данте. – М., 1967.

[6]Жирмунский В. Сравнительное литературоведение: Восток и Запад. – Л., Наука, 1979; Жирмунский В. Средневековые литературы как предмет сравнительного литературоведения // Известия АН СССР. Отделение литературы и языка. - Т. XXX. Вып. 3. - М., 1971. - С. 185-197; Конрад Н. Запад и Восток. – М., Наука, 1972; Конрад Н. Проблемы современного сравнительного литературоведения. – Издательство АН СССР, Отделение литературы и языка, 1959.Т.18. Вып. 4. – С. 315-333; Дима А. Принципы сравнительного литературоведения: перевод с румынского. – М., Прогресс, 1977; Дюришин Д. Теория сравнительного изучения литературы: перевод со славацкого. – М., прогресс, 1979; Неупакоева И. История всемирной литературы. Проблемы системного и сравнительного анализа. – М., Наука, 1976; Потебня А. Слово и миф. – Москва, Правда, 1989.

[7]ВеселовскийА.Н.Данте//Данте:proetcontra:ЛичностьинаследиеДантевоценкерусскихмыслителей,писателей,исследователей:Антология.СПб.:изд-воРХГА,издательство “Пальмира”,2017. – С.687-693; Голенищев-Кутузов И.Н. Данте. – М., 1967; Андреев М. “Божественная комедия” в “Мастер и Маргарите” // В кн.: Литература Италии: темы и персонажи. – Москва, РГГУ, 2008; Андреев М. Время и вечность в “Божественной комедии”// Дантовские чтения. – М., 1979; Асоян А. «Почтите высочайшего поэта…» Судьба «Божественной комедии» Данте в России. – М., 1990; Баткин Л.М. Данте и его время. Поэт и политика. – М., 1965; Джинвелегов А. Данте Алигьери. Жизнь и творчество. – М., 1946; Курдыбайло И. П. Античный космос и христианская мистика в поэзии Данте Алигьери. // Вестник Русской христианской гуманитарной академии. 2011. Т. 12. Вып. 4. – С. 187-190; Неупакоева И. История всемирной литературы. Проблемы системного и сравнительного анализа. – М., Наука, 1976;Путятин Д. А. Космос Данте и его движущие силы. Доклад. – МГУ, 2006; Слабких К.Э.Художественное пространство в «Поэме без героя»а. Ахматовой и «Божественная комедия» Данте / Вестник № 2. – С. 162-168; История итальянской литературы в 4 т. Т.1: Средние века / Под ред. М.Л. Андреева, Р.И. Хлодовского.– Москва: ИМЛИ РАН, "Наследие", 2000; Nardi B. Dante la cultura medievale. – Bari, 1949, Reaudet A. Dante humaniste. – P., 1952; Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб. – Т.; “Ўзбекистон”, 1997; Комилов Нажмиддин. Тафаккур карвонлари. “SHARQ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти. – Т., 2011; Мандельштам О. Разговор о Данте. – М., Искусство, 1967; Мережковский Д.С. Данте. – Томск, 1997; Борхес Х.Л. Девять эссе о Данте (предисл. А.А. Фридмана) // Вопросы философии. – 1994. № 1.http://www.vitanova.ru.

Умуман, Данте ҳақида яратилган фундаментал илмий ишлар, тадқиқ ва танқид қилинган турли миқёс ва йўналишдаги илмий-ноилмий, катта-кичик асарлар, чиқишлар бир жойга жамланса, бир кутубхона бўлмаса ҳам, неча юзлаб томлик мажмуа пайдо бўлса ажабмас.

Дунё адабиётшунослигида бадиий хронотопнинг илмий-назарий муаммолари бўйича Европа сўзшунослари олиб борган тадқиқотларда хронотоп муаммосининг адабий-фалсафий негизда шаклланишига эътибор қаратилади. Рус адабиётшунослигида эса М.Бахтин, В.Хализев, Д.Лихачев, Ю.Лотман, А.Есин[8] лирик хронотопда кўпроқ макон кўринишларини, замон орқали тарихий вақтни, унинг эстетик категорияларини, мифологик хронотопнинг бадиий асар таркиби ҳамда табиатидаги ўрнини, уларнинг ҳаракатланиш нуқталарини ва амалий аҳамиятини илмий-назарий тадқиқ этишган. Шунингдек, хронотоп масаласи миллий адабиётшунослигимизда Н.Шодиев, Б.Каримов, И.Ғаниев, У.Жўрақулов, Э.Абуталиева, А.Тўйчиев, А.Носиров, М.Умарова, Б.Тўраева, Ў.Назаров каби олим ва тадқиқотчилар томонидан маълум даражада ўрганилган[9].Таъкидлаш жоизки, нореал ҳаётнинг бадиий талқини масаласи миллий адабиётшунослигимизда ҳозирча фундаментал тадқиқот доирасида ўрганилган эмас. Юқорида айтиб ўтилганидек, миллий истиқлол даврида адабиётшуносликнинг янгиланган методологиясигина масалани шу тахлит қўйиш ва тадқиқ қилиш имконини берди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот Бухоро давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ 2017-2021 йилларга мўлжалланган «Тилнинг лексик-

---

[8]Бахтин М. Формы времени и хронотопа в романе // Бахтин М. М. Эпос и роман. – СПб, 2000; Его же. Формы времени и хронотопа в романе. Очерки по исторической поэтике // Бахтин М. Вопросы литературы и эстетики. – М.: Художественная литература, 1975; Его же. Эпос и роман. – Санкт-Петербург: Азбука, 2000; Его же. Вопросы литературы и эстетики. Исследования разных лет.– М.: Художественная литература, 1975; Его же. Проблемы поэтики Достоевского. – М.: Сов. писатель, 1963; Лотман Ю. В школе поэтического слова. Пушкин, Лермонтов, гоголь. – М., Азбука, 2015; Лихачев Д.Поэзия садов. Издание третье, дополненное и исправленное. – М.: «Согласие», 1998; Лихачёв Д. Поэтика древнерусской литературы. – М., Наука, 1979; Хализев В. Теория литературы.–М.: Высшая школа, 2002; Есин А.Б. Принципы и приемы анализа литературного произведения : учеб. пособие. М.: Флинта, 2000.

[9]Шодиев Н. Горизонты эпоса: Худож.-эстет. Богатство эпической прозы литератур Средней Азии и Казахстана. – Т.: Изд-во лит. и искусства, 1986; Абуталиева Э.И. Пространство и время в русскоязычной прозе Средней Азии (на материале твор-чества Тимура Пулатова и Тимура Зульфукарова): Дисс. ... канд.филол. наук. – Ташкент, 1993; Ғаниев И. М. Фитрат драмалари поэтикаси: Филол. фан. ... док. дис. – Т.: ЎзРФА, 1998; Карим Б. Абдулла Қодирий: танқид, таҳлил ва талқин. – Т.: Фан, 2006; Карим Б. Қодирий насри – нафосат қасри. – Т.: O`zbekiston, 2014; Носиров А.Н. Тарихий ҳақиқат ва унинг бадиий талқини («Юлдузли тунлар» романи мисолида): Филол.фан.ном. ... дисс. – Т., 1999; Тўйчиев А. Ўзбек романларида макон ва замон. – Т.: Mumtoz so`z, 2009; Умарова М. Ю. Тарихий драмада бадиий замон концепцияси: Филол. фан. ном. ... дисс. автореф. –Т., 2011; Умарова М. Тарихий драмада бадиий замон: Шекспир ва Фитрат. – Т.: Mumtoz so`z, 2013; Жўрақулов У. Назарий поэтика масалалари: муаллиф, жанр, хронотоп. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2015; Қаршибаева У.Д. Француз романтизм прозасининг поэтик хусусиятлари: Филол. фан. док. ...дис. – Т., 2016; Назаров Ў. Романда бадиий хронотопнинг ўзига хослиги. – Т.: Турон замин зиё, 2014.

семантик тизими, қиёсий типологик изланишлар ва таржимашунослик муаммолари» мавзусига алоқадор «Инглиз адабиёти тараққиётида адабий алоқалар ва ўзаро таъсир муаммолари» номли йўналиш доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Шарқ ва Ғарб адабиётида нореал ҳаёт тасвирланган асарларни ўзаро қиёслаш орқали икки хил диний-мифологик дунёқараш маҳсули бўлган асарларда образ ва хронотопнинг муштараклик ва ўзига хослигини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Шарқ ва Ғарбда нореал дунё ҳақида шаклланган тасаввурларнинг генезиси, диний-мифологик манбалари, тараққиёт белгилари, муштарак ва фарқли жиҳатларининг ижтимоий-психологик омилларини очиб бериш;

жаҳон бадиий адабиётида моддий ва руҳий олам махлуқот ва мавжудотларининг тасвир этилишига хос поэтик тамойилларни Данте Алигеьерининг «Илоҳий комедия»си ҳамда Абдулла Ориповнинг «Жаннатга йўл» асарлари қиёси асосида кўрсатиб бериш;

нореал дунё тасвири ва талқини келтирилган асарларнинг адабиёт тараққиёти ва инсон маънавий камолотидаги аҳамиятини белгилаш;

Данте Алигеьери ва Абдулла Орипов асарларида тасвирланган нореал ҳаёт бадиий хронотопининг бадиий-эстетик ғоя муштараклигида тасвирланишига хос поэтик белгиларини, ёзувчи бадиий маҳоратини ёритиш;

муаллиф образининг диний-мифологик образлар яратишда иймон-эътиқоди, эмоционал-руҳий ҳолатининг таъсирини белгилаш;

қиёсланаётган асарлар сюжетининг исломий ва христиан манбаларини кўрсатиш, уларнинг ижтимоий-тарихий негизларини асослаш.

Тадқиқотнинг объектисифатида Данте Алигьерининг «Илоҳий комедия» ҳамда Абдулла Ориповнинг «Жаннатга йўл» асарлари танланган.

Тадқиқотнинг предметини нореал ҳаётнинг адабий-фалсафий талқинида образ ва хронотоп диалектик алоқадорлигини тасвирлашнинг бадиий услублариташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мавзусини ёритишда қиёсий-типологик, аналитик, психоаналитик,биографик, структурал, лингвопоэтик ва герменевтик таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

Шарқ ва Ғарб ёзма адабиётида нореал дунё, ундаги макон ва замон, ғайритабиий мавжудотлар ва воқеликлар ҳақидаги диний-мифологик қарашлар бадиий акс эттирилишининг муаллиф тафаккури, воқелик дискурси, лисоний элементларнинг конструктив функциялари, адабий таъсир каби поэтик хусусиятлари аниқланган;

нореал ҳаёт контекстида образ тасвири ва хронотоп қолиплаш муаллифнинг субъектив тафаккури, ментал инқирозни енгиш интенцияси, дунё поэзисини талқин этишидаги бадиий психологизм, шакл ва мазмун яхлитлиги тамойиллари орқали воқеланиши асосланган;

Данте Алигьери ва Абдулла Орипов ижодида дунё ва охират концепцияларининг мантиқий-аллегорик боғлиқлиги *само, Худо, эзгулик, руҳ* каби юқори макон тушунчалари ва *ер олами, шайтон, ёвузлик, моддият* каби қуйи макон элементларининг муштараклигида намоён бўлиши далилланган;

қиёсланаётган асарларда тасаввурий олам хронотопининг дуалистик характери якун топадиган ер ҳаёти ва боқийлик касб этадиган макон-замон континууми тамойилларининг дунё ҳақиқати, дунёни поэтик кашф этиш ғоявийлигида воқеланиши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалариқуйидагилардан иборат:

нореал дунё тасвирида образ ва хронотоп назариясини, уни бадиий қайта гавдалантиришга хос хусусиятларни ўрганиш бўйича ўзбек адабиётшунослиги методологияси бойитилган;

нореал дунё ва у билан боғлиқ хронотоп бадиий тасвири тамойиллари, категориялари, нореал ҳаётнинг бадиий тўқимасида муаллиф образи, ҳар бир ижодкорнинг индивидуал услуби, поэтик маҳоратга эгалиги кўрсатиб берилиши орқали бу борадаги илмий таҳлил ва талқин имкониятлари кенгайтирилган;

оммавий ахборот воситаларида ўзаро дўстлик, адабий алоқаларнинг миллий адабиётимиз тараққиётидаги ўрнини тарғиб ва ташвиқ қилишда, шунингдек, ахлоқий-маънавий ғоялар тарғиботи учун методик таъминот базаси шакллантирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги муаммонинг аниқ қўйилганлиги, олимларнинг назарий фикрларига таянилганлиги, тадқиқотда замонавий таржимашунослик ютуқларидан келиб чиққан ҳолда чиқарилган хулосаларнинг қиёсий-типологик, аналитик, психоаналитик, биографик, структурал, герменевтик ва линвопоэтик таҳлил усуллари орқали далилланганлиги билан белгиланади. Назарий фикр ва натижаларнинг амалиётда жорий этилганлиги, олинган хулосаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти унинг асосий таҳлилий хулосаларидан қиёсий адабиётшунослик ва адабиёт назарияси фанининг тараққиёт тамойилларини белгилашда, унинг ўзига хос назарий йўналишини аниқлашда, жаҳон адабиёти намуналарида нореал ҳаётни бадиий талқин қилишда адабий таъсир ва ўзига хослик (бунда диний-мифологик дунёқараш, миллий менталитет, ижтимоий-тарихий давр, методологик ёндашув, адабий услуб) муаммосини яхлит тизим сифатида қиёсий тадқиқ этишда назарий манба сифатида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, унданжаҳон адабиёти ва адабиётшунослиги тарихини, шунингдек, адабиётлараро алоқалар ва ҳамкорлик, адабий таъсир муаммоларини ўрганишда, олий ўқув юртлари филология факультетларида қиёсий адабиётшунослик ва адабиёт назарияси фанларини ўқитишда, шу фанлар бўйича дарсликлар, ўқув

қўлланмалари ва дастурлар тузишда, адабиётшуносликка оид дарс машғулотларида, байналмилал адабий-маданий алоқалар тарихидан илмий изланишлар олиб боришда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Данте Алигьерининг «Илоҳий комедия» ва Абдулла Ориповнинг «Жаннатга йўл» асарларида нореал ҳаёт тасвирида образ ва хронотопни бадиий қайта гавдалантиришдаги ўзига хос хусусиятларни, нореал ҳаётнинг бадиий тўқимасида муаллиф образи, ҳаётий ва диний-мифологик образларни, шунингдек, бадиий замон ва бадиий маконни ўрганиш юзасидан олинган илмий натижалар ва амалий таклифлар асосида:

нореал дунё, ғайритабиий мавжудотлар ва воқеликлар ҳақидаги диний-мифологик қарашлар бадиий акс эттирилишида адабий таъсирнинг ўрни, усул ва воситалари аниқланган илмий натижалардан 2007-2011 йилларда бажарилганОТ-Ф3-090 рақамли «Жадид адабиёти – жаҳон адабиётининг синтези сифатида» мавзусидаги лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 19 мартдаги 89-03-4282-сон маълумотномаси). Натижада адабий таъсир, бадиий синтез билан боғлиқ муаммолар қиёсий аспектда ўрганилиб, ечимлари тавсия қилинган;

Шарқ ва Ғарб адабиётида нореал ҳаёт тасвири бадиий-эстетик ғояга бўйсундирилиши бутунжаҳон адабиёти контекстида муштараклиги тўғрисидаги ғоялардан «Бухоро» телеканалининг «Ассалом, Бухоро», «Саккизинчи мўъжиза» телекўрсатувларида унумли фойдаланилган. (ЎзМТРК Бухоро вилоят телерадиокомпаниясининг 2020 йил 3 июнь 1/134-сон маълумотномаси). Натижада томошабинлар дунёқарашида китобхонликка эътибор ва муҳаббат кучайиши,Данте Алигьери ва Абдулла Ориповнинг асарларида нореал дунёдаги образ ва хронотоп тасвири манзаралари акс эттирилишиҳақидаги тасаввурларнинг пайдо бўлиши кузатилган;

ёзувчининг бадиий маҳорати ва адабиётда ёндош дунёлар тасвирланган асарларни ўзаро қиёслаш, бадиий-эстетик ғояни асарда акс эттиришга доир хулосалардан Туркиянинг Истанбул Тижорат университетида Erasmus+ (K-102) лойиҳаси доирасида олиб борилаётган илмий ишлардан унумли фойдаланилган (Истанбул Тижорат университетининг 2020 йил 11 мартдаги маълумотномаси). Натижада турк ва халқаро талабалар учун жаҳон адабиёти, қиёсий адабиётшунослик, адабиёт назарияси, хусусан, образ ва хронотоп тушунчалари ҳақида батафсил лингвистик маълумот олиш имконияти вужудга келган, нореал ҳаёт тасвири ҳақида тушуниши учун манба бўлган;

нореал ҳаёт тасвири ва хронотоп тўғрисидаги таҳлил натижаларидан Ҳиндистон элчихонаси қошидаги Лал Бахадур Шастри номидаги маданий марказида фойдаланилган (Ҳиндистон маданият марказининг 2020 йил 2 мартдаги маълумотномаси). Натижада чет эллик тингловчиларнинг қиёсий адабиётшуносликни ўрганишга қизиқиши ортишига, қиёсий

адабиётшунослик билан шуғулланадиган чет эллик олимларнинг қизиқиши туфайли илмий ҳамфикрлар топишга муваффақ бўлишди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари бўйича 3 та халқаро ва 9 та республика илмий-амалий анжуманларида маърузалар қилинган.

Тадқиқот натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 22 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та илмий мақола, улардан 2 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Умумий ҳажми 146 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, Республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланиб, ишнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган. Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, апробацияси ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Ишнинг I боби **«Шарқ ва Ғарбда нореал дунё ҳақидаги тасаввурлар ҳамда уларнинг бадиий талқини»** деб номланган. 1-фаслда «Шарқ ва Ғарбда нореал ҳаёт ҳақидаги тасаввурлар» ҳақида сўз боради. Нореал дунё (бошқача айтганда, дорулбақо, нариги дунё, у дунё) барча халқларда марҳумлар ёки уларнинг руҳи қўним топган макондир[10]. Нореал олам ҳақидаги асотирлар дафн маросимлари, ўлимдан кейинги ҳаёт тўғрисидаги тасаввурлар орқали ривожланган[11]. Бир қанча қабилалар (папуаслар, туб австралияликлар, бушменлар)да у дунё тўғрисидаги илк, соддароқ тасаввурлар сақланган. Марҳумлар гўёки ташландиқ жойларда, ўрмон ё бутазорларда яшашлари, сувда ёки осмонда намоён бўлишлари мумкин. Бошқа кўпгина халқларда (дейлик, ҳиндуларда, Рим ва Сибирь асотирларида) Миср фольклоридагидек «қабр руҳлари» тушунчаси бўлгани маълум. Улар ичида кенг тарқалгани руҳнинг танадан (қабрдан) вақтинчалик чиқиб кетишидир. Дафн удумлари, танани йўқ қилиш, масалан, куйдириш ёки бошқа бирон-бир йўл орқали руҳ боқий дунёга кузатилган[12]. У дунёга саёҳат

[10]Қаранг: Мифы народов мира. В 2 томах. Энциклопедия. – М., 2008.

[11]Петрухин Владимир. Загробный мир. Мифы о загробном мире: мифы разных народов. – М.: АСТ: Астрель, 2010.

[12]См.: Петрухин Владимир. Человек и животное в мифе и ритуале: мир природы в символах мира культуры// Мифы, культы, обряды народов зарубежной Азии. – М.: Главная редакция восточной литературы, 1986.

оғир, машаққатли ва хавфли ҳисобланган. Нореал дунё бу дунёдан узоқ-узоқда – ҳаёт бўлмаган оролда, ер қаърида ёки осмону фалакда жойлашган деб фараз қилинган. Қаерда жойлашганига кўра қарашлар турличалигига қарамай, охират олами тириклар дунёсига қарама-қарши турувчи узоқ макон кўринишидадир. Мазкур фаслда Сибирь, Океания, Шимолий Америка, Скандинавия, Миср, Ҳиндистон халқларида нореал дунё ҳақидаги тасаввурларга тўхтаб ўтилди. Барча халқлардаги тушунчаларда, асосан, дорулбақодаги олов дарёси ва кўприк, раҳбон, руҳларни тарозида тортувчи охират суди сақланиб қолган. Таъкидлаш ўринлики, дўзах ҳамда жаннатнинг турли қавату қисмларга ажратилиши марҳумнинг гуноҳ ёки савоб ишлари даражасига боғлиқ эди.[13]

2-фасл жаҳон адабиётида нореал дунёнинг бадиий талқин қилиниши масаласига бағишланди. Охират мавзуси эпос ҳамда сеҳрли эртакларда ҳам кенг тарқалди. Нореал дунё билан боғлиқ сюжетлар шомонлик саёҳатлари ҳамда дорулбақони «кўриш» тўғрисидаги мифлар асосида келиб чиққан. Бунга «Гильгамеш, Энкиду ва охират дунёси”нинг ўн икки жадвалини мисол келтириш мумкин.[14] Йўлбошчи ҳамроҳлигида жаҳаннамга тушиш билан боғлиқ анъанавий мифологик сюжетдан замонавий адабиётда, чунончи, Томас Манн фойдаланган. Адибнинг «Юсуф ва унинг биродарлари» романида Юсуфнинг Мисрга саёҳати акс этган. Бу жиҳатдан, айниқса, Одиссейнинг Гомер томонидан тасвирланган дорулбақога саёҳати бемисл. У нариги дунёга тирик ҳолда бориб, ўша ердан тирик ҳолда қайтади.

Кўҳна Месопотамия, Бобил ва Яқин Шарқда тарқалган асотирлар юнон манбаларини эслатади. Юнон асотирларидаги каби уларда ҳам олам уч қисм (замин, осмон, ер ости)га бўлинган. Сув, айниқса, замин қаридаги сувлар ушбу дунёқарашда муҳим роль ўйнайди.[15] Тадқиқотчи Мартин Вестнинг фикрича, юнон тилидаги «Ачерон» («Ахерон дарёси») сўзи талаффуз жиҳатидан ибронийча «ahòarôn» каломи билан деярли бир хил ва у «ғарбий» деган маънони англатиши мумкин. Шундай қилиб, ҳар иккала мифологияда – юнон ва Яқин Шарқ мифологияларида Ғарбда оқувчи сувлик ҳаёт ҳамда ўлим ўртасидаги ўтиш нуқтаси, хуллас, одатий дунёдан тирик ҳолда бориб бўлмайдиган хаёлий жойларга кўчиш воситасидир.[16] Сув, шунингдек, икки минтақа маданиятлари учун муштарак саналган бутундунё тўфони ҳақидаги асотирда ҳам тириклик билан ажал оралиғидаги йўлак саналади. Шунингдек, ишда «Юйли баочао» («Нефрит лавҳаларнинг қимматбаҳо нусхалари»,

---

[13]Петрухин Владимир. Загробный мир. Мифы о загробном мире: мифы разных народов. – М.: АСТ: Астрель, 2010. – 416 с.; Видения: Восток – Запад. Исследования, переводы, публикации. – М., 1989; Элиаде М. История веры и религиозных идей. Тт. 2, 3. М., 2002; Мифы народов мира. В 2 томах. Энциклопедия. – М., 1997.

[14]Белицкий М. Шумеры. Забытый мир. – М., 2000; Эпос о Гильгамеше. Пер.: И.М. Дьяконов. – СПб., 2006.

[15]Мифы и легенды народов мира. Древний Египет / И.В. Рак; Месопотамия / А.И. Немировский, Л.С. Ильинская. – М.: Литература, Мир книги, 2004. – 432 с.; Мифы народов мира. В 2 томах. Энциклопедия. – М., 2008.

[16]Мифы народов мира. В 2 томах. Энциклопедия. – М., 2008.

Хитой), «Арда Вирафнома» (Эрон), «Авесто»да нореал дунё мавзуси ҳақида тўхтаб ўтилди. Ўрта асрларда У Чэнъэнь (Хитой)нинг «Ғарбга саёҳат»да ҳукмдор Сюань-цзаннинг дорулбақога саёҳати баён этилган.[17] Қуръони карим, шу асосда яратилган меърожномалар, Муҳаммад(с.а.в.)нинг Аллоҳ ҳузурида бўлишлари, Исо(а.с.)нинг осмонга кўтарилишлари, Ибн Синонинг «Шарҳи меърож» ёки «Рисола дар меърож», «Ҳайй ибн Яқзон», Абдулмажид Маҳмуд ибн Адам Саноийнинг «Сайрул ибод илал маод» («Бандаларнинг қайтар ерларига саёҳатлари») асарлари хусусида ҳам атрофлича сўз юритилди. Ғарб адабиётида бу борада XVII аср шоири Жон Мильтоннинг «Йўқотилган жаннат» асари аҳамиятли.

I бобнинг 3-фаслида ўзбек адабиётида нореал ҳаёт тасвирига бағишланган асарлар, жумладан, «Қисаси Рабғузий» (Носируддин Рабғузий, XIV аср); «Қиёмат», «Шайтоннинг тангрига исёни» (А.Фитрат) каби асарлар таҳлил қилинди.

II боб **««Илоҳий комедия» ҳамда «Жаннатга йўл» асарларида бадиий образ муаммоси»** деб номланган бўлиб, 1-фаслда муаллиф образи муаммоси тадқиқ этилди. Маълумки, муаллиф образи адабий турлар билан боғлиқ. Бирининг поэма, бирининг шеърий драма эканлигига кўра «Илоҳий комедия» ва «Жаннатга йўл» асарларидаги муаллиф образи ўзига хос хусусиятларга эга. Атоқли олим В.В.Виноградовга кўра, муаллиф образининг моҳияти муаллифнинг мавзуга муносабатида ёрқин намоён бўлади.[18] Адабиётшунос А.Б.Есин ҳам мавзуга муносабат билдириб, «муаллиф позицияси», «муаллиф баҳоси» ва «муаллиф идеали» каби терминларни қўллайдики,[19] ҳар қандай асар таҳлилида буларни инобатга олмасликнинг иложи йўқ. «Илоҳий комедия»да бош образ Дантенинг ўзидир. Фикримизча, «Илоҳий комедия»да икки Данте мавжуд. Улардан биринчиси антик мифология ҳамда диний қарашлар асосида нариги дунё тузилмасини ўз билим ва тасаввурларига таяниб бадиий тасвирлаган, нофаол – шунчаки кузатувчи бўлган Данте. «Илоҳий комедия»даги қаҳрамонлар жаннат, аъроф ё дўзахга асар муаллифининг танловига кўра жойлаштирилган – ҳамма даврларда кўпчиликда эътироз уйғотган ҳолат ҳам ана шу. Тан оламизми-олмаймизми, Абдулла Орипов бир гал оғзаки суҳбатда айтганидек, «Илоҳий комедия»да муаллиф бутун инсоният устидан ҳукм чиқарувчи қози ўлароқ майдонга чиққан. Итальян адиби Карло Досси (1849-1910) ҳам бу ҳақда шундай ёзади: «Ҳар қандай буюк шахслар каби Данте ҳам ўзини бошқалардан юқори қўйган, ўзига ишончи кучли бўлган. Шу боис бундай чуқур ишонч бўлмаганида юксакликка, қатъиятнинг авж пардасига кўтарилиб бориш имконсиз эди. Ва бу ҳол нафақат ўзининг «Илоҳий комедия»сидаги кўплаб жумлаларда билинибгина қолмай, «Аъроф»нинг 13-қўшиғида (133-138-мисраларда) очиқ-ойдин тасдиқланган. Асарнинг ўша жойларида муаллиф

[17]https://ru.wikipedia.org/wiki/ Путешествие на Запад.
[18]Купина Н.А. Лингвистический анализ художественного текста.– М.,1980. – С.56.
[19]Есин А.Б. Принципы и приемы анализа литературного произведения: учеб.пособие.– М., 2000. – С. 167.

ғайир, ҳасадгўй, ичи қоралар маконида кечган оз фурсат чоғи бўлганидек, мағрурлар, калондимоғлар масканидан ўтишда ҳам унчалик қўрқмаганини айтади».[20]Данте соф католик эътиқоди тамойиллари, қисман субъектив нуқтаи назардан жонларни турли ҳудудларга «жойлаштиради». Ушбу образни «ёзувчи Данте» дейиш тўғрироқ бўларди. Иккинчи Данте эса воқеликка ўз шахсий муносабатини билдирувчи, ҳиссиётларга, эҳтиросларга бой бир сайёҳ, ўта мураккаб тимсол. У биринчи Данте, янада аниқроғи, католик илоҳиёт ашаддий гуноҳкор деб топган айримлар ҳолига ачинади, уларга хайрихоҳ муносабатда бўлади. Шунга кўра субъектив, иррационал руҳдаги мазкур образ асарда кўзга кўринмас зиддиятни юзага келтиради. Бизнингча, бир образнинг иккига ажралиши, уларнинг рационал (ақлий) ҳамда иррационал (ҳиссий) характерда эканлиги умуман Инсон табиатини, фитратини ўзида намоён қилади. «Жаннатга йўл» эса – драматик асар. Зоҳиран унда муаллиф образи мавжуд эмас. Аслида эса ҳар қандай бадиий асар муаллиф образидан, тўғрироғи, муаллиф муносабатидан бутунлай холи бўлиши мумкин эмас. «Жаннатга йўл» драматик асар бўлса-да, унда ҳам муаллиф образи яққол идрок этилади. Асарнинг бутун тўқимасида А.Ориповнинг кўрган-кечирганлари, нуқтаи назари, бошқа асарларида қаламга олинган воқелик ва ғоялар манаман деб юз кўрсатиб туради. Бош қаҳрамоннинг ижодкор экани ҳам тасодиф эмас. Қиёсан қараганда, «Илоҳий комедия»да муаллиф образи жуда мураккаб, тақозодор икки сатҳда намоён бўлади. «Жаннатга йўл»да эса у бағоят шарқона: асосан маънавий-ахлоқий ғоялар тарғиботчиси сифатида намоён бўлади. 2-фаслда диний-мифологик образлар тадқиқ этилди. Мифология ибтидоий одамнинг олам ва унинг тузилишига оид тасаввурлари ифода этилган оғзаки адабиёт намуналарига оид тушунча. Бу тасаввурлар қадим-қадимдан диний қарашлар билан қоришиб кетган. Адабиётшунос Н.Офоқнинг кузатишларига кўра, ҳар қандай қадимий миф илоҳий муқаддас китоблардан бошланғич олган. Фақат асрдан-асрга, оғиздан-оғизга ўтиш жараёнида ўзгариб кетган ва илоҳий китоблар билан боғлиқ ҳалқа узилган.[21] Фольклоршунос олим А.Мусақулов фикрига кўра: «...фан ва техника беқиёс ривожланган, ривожланаётган XX-XXI асрларда ибтидоий одамнинг ҳиссиётлари, содда тасаввурлари меваси бўлган мифларга қизиқиш сўниш ўрнига, аксинча, жуда кучайди».[22]«Илоҳий комедия»даги диний-мифологик образлар ҳам, асосан, қадимий юнон мифлари ва христиан дини билан боғлиқ. Ишда Минос, Семирамида, Цербер, Плутос, Герион, Эрихто, Медуза-горгон, қасос маъбудалари – Тисифон, Мегера, Алекто каби жуда кўп образлар таҳлилга тортилди. «Жаннатга йўл»да учрайдиган диний-мифологик образлар бевосита исломий қарашларга алоқадор. Уларнинг сони унчалик кўп эмас. Булар: Тарозибон, Фариштa,

[20]https://www.aforismario.eu/2020/04/frasi-e-opinioni-su-dante.html
[21]Офоқ Н. Мен Сизиф тошига эгаман бошим... // Тафаккур. – 2019 йил. – 3-сон.
[22]Мусақулов А. Адабиёт – эзгулик тантанасига ишонч // Жўраев М., Нарзиқулова М. Миф, фольклор ва адабиёт. – Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2006. – Б.3.

Фаришталар ва Садо. Исломга кўра ҳам Қиёматда бу дунёда қилинган амаллар ҳисоб-китоб қилинади. «Иншиқоқ» сурасида: «6. Эй инсон, сен албатта меҳнат-машаққат чекиб Парвардигорингга (яъни унинг мукофот ва жазосига) боргувчисан, бас, (бу ҳаёти дунёдан ўтганингдан сўнг) У зотга йўлиққувчисан»[23] дея марҳамат қилинади. Демак, қиёмат кунида бандалар бевосита Унинг ўзига рўпара бўладилар, Унинг рўпарасида ҳисоб-китоб қилинадилар. Албатта, бадиий асарда бу манзарани бевосита беришнинг иложи йўқ. Абдулла Орипов ҳисоб-китоб мотиви учун Тарозибон образини ўз асарига киритади. Тарозибон ташқаридан қараганда худди оддий одамни эслатади: у ҳам чарчайди, дам олади, чилим чекади, изтиробга тушади... Аммо достондаги нозик бир ишорадан биламизки, у фаришталардан бири экан. У Йигитга: «Ачинаман сенга, иним, инимсан чунки – Гар қанотинг бўлмаса-да, сен ҳам паризод», – дейди. Юзакироқ мулоҳаза қилсак, Тарозибон образи исломий қарашларга унча ҳам тўғри келмаётгандек. Гўёки у гуноҳ-савобни ўлчайди, гўёки у ҳукм қилади. Лекин асар муаллифи бу масалани жуда нозиклик билан, матн ортида бошқача ҳал қилган. Негаки, тарозибоннинг ўлчовига кўра, Йигит – дўзахий. Лекин унга етмаётган икки пайса савобни кимдандир тиланишга рухсат берилади. Шу билан Тарозибон образининг бадиий функцияси тугайди, у асарда бошқа кўринмайди. Асар финалида Дўст ва Йигит орасида «сен ол-мен ол» можароси бўлиб турган вақтда кутилмаган воқеа содир бўлади: Садо эшитиладию, уларнинг ҳар иккиси жаннатга ҳукм қилинади! Мана шу сўнгги саҳна Абдулла Орипов абадият дунёсида бандаларнинг ўрни масаласини Қуръони каримда марҳамат қилингани каби тасвирлаганини тўла тасдиқлайди.

3-фаслда реал ҳаёт кишилари образи муаммоси илмий муҳокама қилинди. «Илоҳий комедия»да уч асосий: Данте, Вергилий ва Беатричедан ташқари уларнинг сони жуда кўп, уларнинг бари муҳим тарихий даврларда ёки шоир ҳаётида аҳамият касб этган одамлардир. «Жаннатга йўл» эса мўъжаз асар. Шунинг учун ундаги образлар юзлаб қаҳрамонларга эга «Илоҳий комедия»дагига қараганда камроқ. Итальян шоири қаҳрамонларини ўз исми-шарифи билан берган, шу ҳол Дантени нафрат ва тазйиқларга ҳам дучор қилган. XIII аср Италиясида шундай қилиш мумкин бўлгандир, эҳтимол. Икки адибда ҳам ғоявий-бадиий ният бир-бирига муштарак бўлса-да, бу асарлар яратилган давр ва макон, тарихий ва миллий контекст бутунлай бошқа эканига кўра, А.Ориповда реал ҳаёт кишилари образи умумлашма-рамзий характерга эга.

Муҳим бир масалага оид ўз нуқтаи назаримизни очиқлашимиз лозим. Бу – бадиий асар ва эътиқодий қарашлар масаласи бўлиб, 2-боб 4-фаслда ўрганилди. Аслида мавзу танлангандан сўнг анча вақтгача иккиланиш, иштибоҳлар тарк этмади. Бу Дантенинг пайғамбаримиз Муҳаммад(с.а.в.)га муносабати билан боғлиқ эди. Данте ва Вергилий Муҳаммад (с.а.в.) ва халифа Али(р.а.)ни ҳам дўзахнинг пастки қаватида азоб-уқубат чекаётган

[23]Ўша манба, 493-б.

